

1/2023,
yanvar-
fevral
(№ 00063)



КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТАРИНИНГ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Тўраева Нафиса Одилжоновна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, "Менежмент ва маркетинг" кафедраси мустақил изланувчиси. Ташкент, Ўзбекистан.

nturayeva16@gmail.com

<https://orcid.org/0000-0002-6436-7720>

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a40

Аннотация

Ушбу мақолада мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ва кичик бизнесни ривожлантириш тамойиллари ҳамда усуллари ўрганилган. Бунда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида иқтисодиётни рақамлаштириш муҳим аҳамият касб этиши ёритилган, шунингдек, кичик бизнес субъектларинг рақамли технологиялардан фойдаланишни ривожлантириш юзасидан илмий-назарий қарашлар, кичик бизнес субъектларинг рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳамда уларнинг таҳлили юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, бошқарув, рақамли иқтисодиёт, рақамли технологиялар, инновацион иқтисодиёт, рақамлаштириш, кичик бизнес реабилитацияси.

РАЗРАБОТКА МЕТОДОВ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ МАЛЫМИ ПРЕДПРИЯТИЯМИ

Тўраева Нафиса Одилжоновна

Независимый соискатель кафедры "Менеджмент и маркетинг" Ташкентский государственный экономический университет.

Аннотация

В данной статье рассматриваются принципы и методы развития цифровой экономики и малого бизнеса в нашей стране. В связи с этим подчеркнута важность цифровизации экономики в социально-экономическом развитии страны, а также разработаны научно-теоретические взгляды на освоение цифровых технологий малым бизнесом, предложения и рекомендации по использованию цифровых технологий малым бизнесом и их анализу.

Ключевые слова: малый бизнес, менеджмент, цифровая экономика, цифровые технологии, инновационная экономика, цифровизация, реабилитация малого бизнеса.

DEVELOPMENT OF METHODS OF USING DIGITAL TECHNOLOGIES BY SMALL ENTERPRISES

Turaeva Nafisa Odiljonovna

Independent researcher of the Department of Management and Marketing Tashkent State University of Economics. Tashkent, Uzbekistan.

Abstract

This article discusses the principles and methods of development of the digital economy and small business in our country. In this regard, the importance of digitalization of the economy in the socio-economic development of the country was emphasized, as well as scientific and theoretical views on the development of digital technologies by small businesses, proposals and recommendations on the use of digital technologies by small businesses and their analysis were developed.

Keywords: small business, management, digital economy, digital technologies, innovative economy, digitalization, rehabilitation of small business.

Кириш

Жаҳон миқёсида илғор ривожланган мамлакатларда кичик бизнес субъектлари корхоналарнинг умумий сонининг қарийб 90 фоизини, миллий даромаднинг 40 фоизгача ҳиссасини, жумладан Европа Иттифоқида иш ўринларининг 20 фоизни ва қўшилган қийматнинг 18 фоизини таъминлаб бермоқда. Кичик бизнес томонидан яратилган иш ўринлари, расмий яратилган 10 та иш ўринларидан 7 тасини ташкил қилиши дунё мамлакатларида кичик бизнесни янада ривожлантиришни, уларда молиявий бошқарувни самарали ташкил этиш ва молиявий ресурслардан унумли фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий фаолиятини барқарор ривожлантиришни янада рағбатлантирмоқда [1].

Хусусан, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуслари билан 2022 йил 28 январ куни қабул қилинган “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси” тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармонида “миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш” вазифаси белгиланган [2]. Ушбу вазифаларни амалга ошириш орқали хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш имконини беради. Кичик бизнес субъектларининг жадал ривожланишида фаолиятга рақамли технологияларни кенг жорий этиб бориш ҳам муҳим ҳисобланади. Ваҳоланки, жаҳон иқтисодиётидаги рақобатлашув жараёнларининг кескинлашуви кичик бизнес субъектлари фаолиятида замонавий рақамли технологияларни жорий этилишини долзарб масала эканлигидан далолат беради.

Мавзуга оид манбалар таҳлили

Ҳозирги замон иқтисодий адабиётларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти тўғрисида ягона илмий таърифга келингани йўқ. Масалан, А.Бусигин хусусий секторга фойда (даромад) олиш мақсадидаги иқтисодий фаолликнинг махсус тури сифатида таъриф беради. Бу фаолиятининг мақсади деб, шундай товарни ишлаб чиқариш ва сотишни тушунадик, у бозорда талабга эга бўлиб, тадбиркорга фойда келтириши лозим бўлсин[3]. У кичик бизнесни иқтисодий фаол соҳа деб ҳисоблаб, бунинг асосини фойда олишга йўналтирилган мақсадли фаолият, тадбиркорлик фаоллигини эса, фойда олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича фаолиятнинг ўзини тушуниш тарзида ифодалайди. Натижада, кичик бизнес тушунчасининг мазмуни бозорда талабга эга бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича мақсадли фаолиятни англатади.

Хорижий иқтисодчи олим М.Юнус томонидан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида фикр билдирилган ҳолда янги фаолият бошлаган кичик бизнес субъектларини кредитлашда асосий эътибор кредитлашнинг ижтимоий самарасига қаратилиши кераклигини таъкидлаган[4]. Кичик бизнес субъектларининг молиявий имкониятлари кенгайгандан сўнгра бозор ставкаларида бериладиган кредитларга бўлган талабнинг ошиши мазкур олим томонидан қайд этилган. F.Allen D.Galeлар эса кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг икки тизими – банклар фаолиятига асосланган тизим ва молия бозорларига асосланган тизимнинг мавжудлигини эътироф этишади ва бунда биринчи тизимнинг нисбатан муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашади[5].

Шунингдек, ахборотлаштириш ва рақамлаштириш жараёнини иқтисодиёт соҳасида такомиллаштириш бўйича маҳаллий олимларимиздан Ж.Х.Камбаров, Н.Ж.Махмудовалар ўзининг илмий ишларида саноат иқтисодиёти телекоммуникация қоидаларини белгилашда, техник стандартларни белгилашда тадқиқот ва инновацияларни қўллаб - қувватлашда муҳим роль ўйнади, бу эса ўз навбатида инновацион иқтисодиётнинг янги сектори-рақамли бозорни пайдо бўлишига ёрдам берди деган фикрларни билдирган[6]. Шунинг учун, замонавий рақамли инқилоб асосан бозор ва технологик янгиликлар билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш фаолияти ва хизматларининг аксарияти ахборот технологиялари орқали олинган. Бу аср ахборотни ахборотлаштириш ва рақамлаштириш асрига айланди. Шунингдек, И.Ю.Умаров томонидан ёзилган илмий мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида инновацион бошқаришда бизнес самарадорлигини ошириш йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган[7]. Л.В. Лapidус ўз тадқиқотларида рақамли технологиялар эволюцияси таъсири остида бизнес моделларини ўзгартириш нуқтаи назаридан электрон бизнес ва электрон тижоратни бошқариш бўйича назарий қоидалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган[8].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш Давлат дастурида[2]: “Рақамли иқтисодиёт ишлаб чиқаришнинг асосий омили рақамли маълумотлар, катта ҳажмларни қайта ишлаш ва таҳлил натижаларини қўллаган ҳолда, анъанавий бошқарув шакллари билан таққослаганда, турли хил ишлаб чиқариш, технологиялар, ускуналар, сақлаш, сотиш, товар ва хизматларни етказиб бериш самарадорлигини сезиларли даражада ошириши мумкин” деган фикр билдирилган.

Юқоридаги бир қатор иқтисодчи олимларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда бугунги кунда тижорат банкларининг инвестиция фаолияти кенгайтирилишини янада рағбатлантириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини молиялаш ҳажмларини ошириш учун уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш лозим.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолани тайёрлашда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотлари расмийлиги, ундаги иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳлили, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш натижаларига ҳамда таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланди. Мавзунини ўрганиш

давомида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда тизимли таҳлил, умумлаштириш, абстракт-мантиқий фикрлаш, статистик усуллар, корреляцион-регрессион ва эмпирик таҳлил каби усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Бугун рақамли технологиялар барча соҳаларга ва одамлар ҳаётига жадал кириб борапти. Мамлакатимизда ҳам рақамли иқтисодиётни ривожлантириш энг муҳим вазифага айланган. Президентимизнинг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида 2023 йилга бориб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улушини 2, ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини 3 баравар ошириш, улар экспортини 100 миллион АҚШ доллариға етказиш вазифаси қўйилган.

Статистик маълумотларга кўра, рақамли иқтисодиётнинг мамлакатлар ялпи ички маҳсулотигаги улуши АҚШда 10,9 фоиз, Хитойда 10 фоиз, Ҳиндистонда 5,5 фоизини ташкил этади. “Vouchercloud” портали тадқиқотчилари дунёдаги “энг ақлли” 25 давлат рўйхатини эълон қилди. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, биринчи ўринни Япония эгаллаган. Кунчиқар юрт тадқиқотнинг асосий кўрсаткичлари — Нобель мукофоти лауреатлари сони, аҳолининг ўртача IQ (ақл-заковат) даражаси, мактаблардаги ўзлаштириш кўрсаткич бўйича ҳам энг юқори баҳога сазовор бўлди[1].

Кейинги ўринлардан Швейцария, Хитой, АҚШ ва Нидерландия жой олди. Хитой аҳоли ақл-заковат даражаси юқори бўлгани учун учинчи ўринни олган бўлса, АҚШга тўртинчи ўринда жойлашишига Нобель мукофоти лауреатлари сони ёрдам берди. Жанубий Корея, Тайвань ва Сингапур билимли (ақл-заковатли) ёшлар сони бўйича етакчи ўринларда, аммо фақатгина Нобель мукофоти лауреатлари сони камлиги сабабли рейтингда юқорида жойлаша олмади.

“McKinsey” экспертларининг баҳолаши бўйича, бугунги кунда жаҳон ЯИМнинг қарийб 10 фоизи рақамли активларга тўғри келади, шу билан бирга, уларни ишлаб чиқиш суръати жаҳон иқтисодий ўсишининг 30 фоизига тенг. Рақамли активларнинг ривожланиши акселератор (тезлаштирувчи) ҳаракатига ўхшайди.

Шубҳасиз, рақамли иқтисодиёт – келажак. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан рақамли иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган Саноат 4.0 инқилобига мослашиш, рақамли технологияларни иқтисодиётнинг барча соҳаларига, хусусан кичик бизнес субъектлари фаолиятига жорий этишни қанчалик қисқа фурсатда ҳал этишимизга чамбарчас боғлиқ. Кичик бизнес субъектлари фаолиятига рақамли технологияларни самарали ташкил этиш рақамли технологиялар соҳасида етарли компетенцияларга эга бўлган етук кадрларга бориб тақалади. Бу борада ҳам тизимли тадбирлар йўлга қўйилганлигини таъкидлаш зарур.

Шунингдек, бугунги кунда кичик бизнес субъектлари барқарорлигининг муҳим кўрсаткичи ҳам ҳажм, ҳам вақт бўйича ижобий ва салбий оқимлар даражаси ҳисобланади. Бу, айниқса, кичик бизнес субъектлари учун муҳим, чунки уларда йирик корхоналар каби молиявий ресурс ва маблағлар захиралари мавжуд эмас. Уларнинг моҳияти келажакдаги молиявий даврнинг ҳар бир оралиғида корхоналар тўлов қобилятининг етарли даражасини бир вақтнинг ўзида таъминлашдан иборат.



1-расм. Кичик бизнес субъектлари фаолиятидаги пул оқимлари*

*Муаллиф ишланмаси

Рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганини мазкур соҳага оид кўрсаткичларнинг ижобий ўзгаришлари далолат беради. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ислохотлар натижасида ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши жами sanoat маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98,1 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолимизнинг 74 фоиздан ортиғи мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда. Маълумки, кичик бизнес субъектлари фаолиятининг асосий афзалликлари орасида мобиллик, ўзгарувчан бозор конъюнктураси шароитларига тез мослашиш қобилияти ва капитал айланувчанлигининг юқори тезлиги кабиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу хусусиятларнинг барчаси айнан савдо соҳасига хос бўлди ушбу соҳада фаолият юритувчи субъектлар фаолиятида кўпдир.

1-жадвал

Кичик тадбиркорлик (бизнес) нинг иқтисодиёт ва унинг асосий тармоқларидаги улуши[9]

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
ЯИМ	65,3	62,4	56,0	55,7	54,9
Саноат	41,2	37,4	25,8	27,9	27,0
Қурилиш	64,8	73,2	75,8	72,5	72,4
Экспорт	22,0	27,2	27,0	20,5	22,3
Импорт	53,6	56,2	61,6	51,7	48,7
Бандлик	78,0	76,3	76,2	74,5	74,4

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2021 йилда иқтисодиёт тармоқларида кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг sanoatдаги улуши 27,0 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги – 96,7 фоиз, қурилишда – 72,4 фоиз, инвестицияда – 47,9 фоиз,

савдода – 82,1 фоиз, экспортда – 22,3 фоиз, импортда – 48,7 фоиз ва хизматлар соҳасидаги – 51,5 фоиз улуши аниқ кўрсатилган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдода 38459 та, саноатда 19285 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 11710 та, қурилишда 6330 та, яшаш ва овқатланишда 6621 та, ташиш ва сақлашда 2642 та ташкил этилган. Мазкур қайд этилган кўрсаткичлардан кўриш мумкинки, кичик бизнес субъектлари миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоқ ва соҳаларида асосий улушни эгаллаган ҳолда уларнинг ривожига муҳим ўрин тутган.

Кичик бизнес субъектларининг ҳаракатчанлиги, оддий ташкилий тузилмаси, маблағлар айланувчанлигининг юқори тезлиги, инсон ва молиявий ресурсларнинг тақчиллиги, мулкдор ва менежернинг ягоналиги каби анъанавий хусусиятлари билан бир қаторда бизнесни диверсификация қилиш имкониятининг чекланганлиги ва Start-up шаклида фаолият олиб боришни қўшимча равишда келтиришимиз мумкин. Шу билан бирга, айрим хусусиятлар кичик бизнес субъектларида молиявий бошқарув жараёнига баъзи ҳолларда ижобий, баъзи ҳолларда эса салбий таъсир кўрсатади.

Кичик бизнес субъектларида бизнесни диверсификация қилиш амалиёти камдан-кам учрайди. Юқорида кўриб чиққан имзидек, кичик бизнес субъектларининг аксарият қисми савдо соҳасида фаолият юритади. Бундан ташқари, агар кичик бизнес субъектлари савдо билан шуғулланса, унда, тартибга кўра, бу бир ҳил гуруҳ товарлари савдоси бўлиб, уни тўлиқ диверсификация сифатида ҳисоблаб бўлмайди. Бир томондан, фаолиятнинг бир соҳасида ишлаш ушбу маҳсулот бозорини, унинг хусусиятлари ва ривожланиш имкониятларини батафсил ўрганиш орқали юқори самарадорликка эришишга имкон беради. Бошқа томондан, фаолиятни диверсификациялаш имкониятининг чекланганлиги, иқтисодий фаолиятнинг турли кўринишлари ва йўналишларида фаолият юритадиган йирик холдинг компаниясида бўлгани каби, унинг таркибий қисмларидан бирини эмас, балки бизнесни тўлиқ йўқотиш хавфини оширади. Бундан ташқари, диверсификациянинг йўқлиги ташкилот фаолиятининг асосий турлари (операцион, инвестиция, молиявий фаолият) орасида ички менежмент нуқтаи назаридан ҳам намоён бўлади.

2-жадвал

Кичик бизнес субъектлари фаолияти хусусиятларининг SWOT таҳлили*

	Кучли томонлар	Кучсиз томонлар
Ички муҳит	Мобиллик, бозор конъюнктураси ўзгаришларига тезда мослашиш	Молиявий менежмент соҳасида салоҳиятли инсон ресурсларининг етишмаслиги
	Оддий ташкилий тузилма	Молиявий ресурсларнинг тақчиллиги
	Маблағлар айланувчанлигининг юқори тезлиги	Молиявий ресурсларнинг тақчиллиги
	Мулкка эгалик ва бошқарувчининг ягоналиги	
	Бизнесни диверсификациялаш имкониятининг чекланганлиги	
	Start-up шаклида фаолият олиб бориш	
	Имкониятлар	Таҳдидлар
Ташқи муҳит	Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш имконияти	Юқори рақобатнинг мавжудлиги
	Фаолиятга таъсир қилувчи ташқи омилларнинг чекланган миқдори	Солиқ юкининг юқорилиги


*Муаллиф ишланмаси

Аксарият кичик бизнес субъектлари учун инвестицион ва молиявий операциялар бўйича фаолият тизимли эмас, балки бир марталик (зарур бўлганда) амалга оширилади. Шу муносабат билан молиявий бошқарувда асосий эътибор операция (асосий) фаолиятга қаратилади. Бундан ташқари, “Start-up” деб номланган янги ташкил этилган бизнес лойиҳаларнинг аксарияти ўзида нафақат янги ташкил этилган юридик шахсни, балки кичик бизнес субъектларига тегишли қандайдир инновацион бизнес ғояни (янги турдаги маҳсулот, янги савдо бозори, хизмат кўрсатишнинг янги шакли) ифода қилади.

Олдин муҳокама қилинган хусусиятларга ўхшаш “Start-up” шаклида фаолият юритиш, баъзи ҳолларда рақобатдош устунлиги ҳисобланади ва молиявий бошқарувга ижобий таъсир кўрсатади ёки аксинча, кичик бизнес субъектининг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бир томондан, муваффақиятли бизнес ғоя бозор учун янгилиги туфайли тезда амалга оширилиши ва аниқ тўлаши мумкин.

Бир томондан, муваффақиятли бизнес ғоя бозор учун янгилиги туфайли тезда амалга оширилиши ва самара келтирилиши мумкин. Бошқа томондан, бизнес ғоянинг муваффақиятсиз бўлиши, лойиҳанинг талабга эга бўлмаслиги оқибатида кичик бизнес субъектининг йирик молиявий қийинчиликларга дуч келиш risksи хавфи юқоридир.

Анъанага кўра, кичик бизнес субъектларида молиявий бошқарувнинг асосий муаммоларидан бири молиявий ресурсларнинг етишмаслиги туфайли қўшимча қарз маблағларини жалб қилиш зарурати ҳисобланади. Кўплаб тадқиқотларда келтирилишича, кичик бизнес субъектларида қарз капитали мулкни шакллантиришнинг барча манбаларининг 85 фоизини ташкил қилади (2-расм).



2-расм. Кичик бизнес субъектларидаги асосий муаммолар*

**Муаллиф ишланмаси*

Кичик бизнес субъектлари фаолиятини рақамлаштиришнинг тезроқ кириб келишини хоҳласак, рақамлаштириш таъсирида турмушимизда турли қўлайликлар пайдо бўлсин, десак, рақамлаштириш татбиғида, албатта, тизимли ёндашув лозим. Кичик бизнес субъектлари фаолиятига ўн йилдан буюн электрон ҳукумат тизимини

киритишга интилиб келамиз. Давлатимиз томонидан амалга оширилаётган рақамлаштиришга оид дастурлар халқимиз, қолаверса, тадбиркорларимиз хоҳиш-истакларини тўғри англаш имконини беради. Табиийки, ушбу дастурларни янада кенгайтириш, такомиллаштириш керак. Бироқ айрим муаммолар борки, уларнинг ечимини қисқа фурсатда топиш талаб этилади.

Биринчидан, рақамлаштириш бу “маълумотлар омбори”дир, маълумотлар жуда катта ҳажмдан иборат. Иккинчидан, бизда “улкан маълумотлар” оқимини бошқариш, сақлаш ва қайта ишлаш турли платформаларни кенгайтириш муҳим. Учинчидан, эса мазкур дастурлар ижросини таъминлашда амалга ошириш механизмлари ҳамда молиялаштириш манбалари кўрсатилган бўлса-да, мониторинг жараёнида жамоатчилик назоратини кучайтирилиши муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Жаҳон банкининг “Рақамли дивидендлар” номли тадқиқоти натижалари мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг нақадар долзарб ва муҳим масала эканлигини кўрсатади. Хусусан, интернет тезлигининг 10 фоизга юқорилаши мамлакат ЯИМ ўсишига ҳам олиб келади. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич, 1,21 фоизни ташкил этса, ривожланаётган давлатларда 1,38 фоизни ташкил этади. Демак, интернет тезлиги 2 баробар ошадиган бўлса, ЯИМ ҳажми ҳам қарийб 15 фоизга ошишига эришиш мумкин.

Рақамли иқтисодиёт ривожланган давлатларда ЯИМ ҳажми ҳам, ЯИМнинг аҳоли сон бошига улуши ҳам юқоридир. Шу жиҳатдан, давлатимиз раҳбарининг бу масалага давлат миқёсида эътибор қаратиши бир мақсадни кўзлайди, у ҳам бўлса, биринчидан, аҳолининг яшаш даражасини юксалтириш, иккинчидан, аҳолининг реал даромадларини оширишдир.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимизда кичик бизнес субъектларинг рақамли технологиялардан фойдаланишни ривожлантиришнинг таъминлаш борасида амалга оширилган илмий изланишлар жараёнида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш орқали халқимиз фаровонлигини таъминлайдиган ҳамда кичик бизнес субъектларинг рақамли технологиялардан фойдаланишини жорий қилиш учун зарурий шарт-шароитларни яратиш шубҳасиз, бугунги куннинг долзарб ва устувор вазифаси сифатида қаралиши зарур. Агар рақамли иқтисодиёт борасида мўлжалланган вазифалар амалга оширилса, барча соҳаларда улкан амалий натижалар яққол кўринади ва аҳоли фаровонлиги сезиларли даражада ортади.

2. Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришдаги энг муҳим жиҳат ва бир вақтнинг ўзида энг мураккаб босқич – бу ишбилармонлик муҳитини соддалаштириш ҳамда тадбиркорлар ва бизнеснинг давлат билан мулоқотига сарфланажак харажатларни максимал қисқартиришдир.

3. Кичик бизнес субъектларинг рақамли технологиялардан фойдаланиш бутун дунёни қамраб олиши туфайли, ахборотлаштириш ва рақамлаштиришга оид ҳар қандай давлат лойиҳаси комплекс равишда ҳамда ягона кодлаш тизими, иқтисодий ва бошқарувга алоқадор ахборотни аниқлаш асосида ўрганилиши лозим.

4. Рақамли иқтисодиётнинг энг фаол драйвери – бу давлатдир. У рақамли иқтисодиётнинг асосий буюртмачиси ва истеъмолчисидир. Масалан, Хитой бу мақсадлар учун 9 млрд доллар атрофида маблағ сарфлаган. Бозор капитализацияси

210 млрд. доллардан зиёд бўлган Alibaba интернет ресурси ушбу сармояларнинг тўғри сарфлаганлигини исботлади. Рақамлаштиришдан максимал фойда олишни истаган давлат, зарурий юқори технологик махсулотларнинг бозорини яратиши ва уни қўллаб-қувватлаши лозимдир. Шу билан бирга, параллел тарзда давлат бошқаруви, муҳим соҳалар ва корхоналар учун хусусий иловаларни ривожлантирган ҳолда, электрон иқтисодиётнинг асосий платформаларини назорат қилувчи инструментларни ўз измида сақлаб қолиш ҳам муҳим ҳисобланади.

5. Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва ҳудудларда рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат ривожланиш ҳолатини баҳолашнинг ягона рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш орқали келгусида рақамли ривожланишнинг тармоқ ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш учун баҳолаш жараёнларини идоралараро мувофиқлаштиришнинг самарали тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

6. Рақамли иқтисодиёт ривожланган давлатларнинг ажралмас соҳасини ҳисобланиб уни ривожлантиришга берилган эътибор ўз натижасини бир неча баробар ортиғи билан қайтаради. Кичик бизнес соҳаси ривожланган давлат бўлишлик учун албатта рақамли иқтисодиёт соҳасига эътибор бугун ҳар қачонгиданда муҳимдир, чунки юксалишнинг энг қисқа йўли рақамли иқтисодиётдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://www.imf.org/external/pubs/ft/sdn/2021/sdn1504.pdf> (Халқаро валюта фондининг расмий сайтидан).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси” тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. <http://lex.uz>.
3. Бусыгин А.В. (1992). Предпринимательство, начальный курс. М.: НИРП. – с. 17.
4. Мухаммад Юнус, Алан Жоли. (2010). Создавая мир без бедности: социальный бизнес и будущее капитализма. Пер. сангл. – М.: АльпинаПабlishерз. – с. 307.
5. Allen F., Gale D. (2000). Comparing Financial Sestems. – Cambridge, Mass: MIT Press. – p. 42.
6. Камбаров Ж.Х., Махмудова Н.Ж. (2016). Задачи управления рисками на предприятии // Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов, № 5. – с. 88-89.
7. Umarov, I. Y., & Yusupova, M. Features of digital innovation management in business. In World science: problems and innovations collection of articles of the XX-XI International Scientific and Practical Conference: at (Vol. 4).
8. Лapidус Л.В. (2018). Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронной коммерцией. – М.: ИНФРА-М. – с. 381.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.